

Ушбу Қонуннинг 12-моддасига асосан, медиаторнинг фаолияти профессионал ёки непрофессионал асосда амалга оширилиши мумкин. Непрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини йигирма беш ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини бажаришга розилик берган шахс амалга ошириши мумкин.

ИПКнинг 131-моддасига кўра тарафлар низо келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиб ҳал этиши мумкин. Келишув битими ёки медиатив келишув даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин. Келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин.

ИПКнинг 107-моддаси 5³-бандига мувофиқ тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса даъво аризасини кўрмасдан қолдиради.

“Медиация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини 17-моддаси 6-бандига кўра низо медиатив келишув билан медиация тартибида ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозим, бундан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида медиатив келишув тузилган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси биринчи қисми 9-бандига биноан, агар тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда давлат божи тўлиқ ёки қисман қайтарилиши кераклиги белгиланган.

Даъвогар томонидан судга даъво ариза киритишда Хўжабод туманлараро иқтисодий суди ҳисобрақамига 15 572 546,3 сўм миқдорида давлат божи тўлаган.

Қайд этилганларга кўра, суд тарафлар ўртасида тузилган медиатив келишувни инобатга олиб, даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни, мазкур иш бўйича даъвогар томонидан тўланган 15 572 546,3 сўм давлат божини бюджетдан қайтаришни, ишни кўриш билан боғлиқ почта харажати даъвогар зиммасида қолдиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий Процессуал Кодексининг 107, 109, 118, 128, 131, 170, 195-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Даъвогар “*****” уюшмасининг жавобгар “*****” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан 519 084 877 сўм асосий қарз, 259 542 438 сўм пеня ундириш тўғрисидаги 2022 йил 23 декабрь кунги даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

“*****” уюшмаси томонидан тўлаб чиқилган 24 000 сўм почта харажати зиммасида қолдирилсин.

“*****” уюшмаси томонидан Хўжабод туманлараро иқтисодий суди ҳисобрақамига тўланган 15 572 546,3 сўм давлат божи маълумотномага асосан бюджетдан қайтарилсин.

Ажрим устидан бир ойлик муддат ичида Хўжабод туманлараро иқтисодий суди орқали Андижон вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Раислик қилувчи, судья

Ж.К.Абидов

